

«InFinBank»АЖ мобил иловасидан фойдаланган ҳолда онлайн тартибда кредит карталарни тақдим этиш тұғрисида оммавий оферта

Мазкур Оферта бир томондан «Invest Finance Bank» акциядорлик жамияти (кейинги үрінларда Банк деб юритилади) ва бошқа томондан Масофавий банк хизмати (МБХ) орқали кредит олувчи жисмоний шахс (кейинги үрінларда Қарз олувчи (Карта эгаси) деб юритилади) ўртасида шартнома тузиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Кредит (кредит лимити) янги чиқарылған кредит карта орқали тақдим этилади.

Банкнинг кредит картаси Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси резидентларига берилади.

Оммавий офертани Face ID орқали тасдиқлаш орқали Қарз олувчи (Карта эгаси) кредит ажратиши шартларига ўз розилигини тасдиқлайди, яъни “InFinBank” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда кредитни онлайн равишда тақдим этиш ҳақидаги ушбу Офертани қабул қиласи. Мазкур розилик Банк учун потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг кредит аризасини дастлабки кўриб чиқиши учун асос бўлиб хизмат қиласи. Агар Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг розилигини (аризасини) маъқулласа, Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)га индивидуал кредитлаш шартларини тақдим этади ва бу ҳақда дархол Қарз олувчи (Карта эгаси) нинг телефон рақамига SMS-хабар ва мобил иловасига PUSH-хабар юборади.

Кредитнинг индивидуал шартлари Қарз олувчи (Карта эгаси) ҳар сафар кредит олаётганида жорий даврдаги таҳлил асосида алоҳида белгиланади. Қарз олувчи (Карта эгаси) Банк томонидан мобил илова орқали юборилган кредит картанинг индивидуал шартлари билан танишиб, уларга розилик билдирганлигини Face ID орқали тасдиқлайди ёки ушбу аризани рад этади.

Банк томонидан тақдим қилинган индивидуал кредитлаш шартлари Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан 60 (олтмиш) дақиқа ичиде қабул қилинмаса, Банк томонидан қайта текширувлар амалга оширилади. Агар тақрорий текширувда қарз юкининг ошиши, муддати ўтган қарздорликларни юзага келиши ва бошқа Банкларга юборилган янги аризалар пайдо бўлиши ҳолатлари юзага келган ҳолларда Банк аризани рад қиласи.

Потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси) Банк томонидан Мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда фойдаланиладиган скоринг модели тијорат сири ва маҳфий эканлигини тушунгандигини оферта шартларини тасдиқлаш билан маълум қиласи.

Банкнинг скоринг моделидан фойдаланган ҳолда потенциал Қарз олувчининг (Карта эгасининг) тўлов қобилиятини баҳолаш жараёнида Банк потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси) тұғрисидаги очик бўлган ҳар қандай маълумотлардан, шунингдек ташки манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланишга ҳақли.

Потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси) куйидаги ҳолларда Банк кредит ажратишини рад этиш сабабларини аниқ кўрсатмаган ҳолда аризани рад этишга ҳақли эканлиги шартини қабул қиласи:

- Қарз олувчи (Карта эгаси) тақдим этган маълумотлар ёки расмий манбалардан олинган маълумотларга асосан таҳлил қилишнинг босқичларидан муваффакиятли ўтмаслик;
- Скоринг баҳолашда етарли миқдорда балл олмаган тақдирда;



- Кредит тарихининг қониқарсизлиги;
- Жорий даврда муддати ўтган кредит қарздорликларининг мавжудлиги;
- Қарз юки кўрсаткичи бўйича белгиланган меъёр талабига жавоб бермаслик;
- Агар Қарз олувчи (Карта эгаси) тижорат банкларида жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий кирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат тизими мезонларига мувофиқ шубҳали шахслар рўйхатида бўлса.

Қарз олувчи (Карта эгаси) Банк томонидан кредитни беришни рад этиш масаласида Банкка нисбатан ҳеч қандай даъво қилмасликни ўз зиммасига олади.

Мазкур оферта Банк томонидан бекор қилинган тақдирда бу ҳақида Банкнинг расмий веб-сайти www.infinbank.com орқали маълум қилинади.

Мазкур оферта бекор қилинганлиги тўғрисидаги Хабарнома Банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган кундан 10 (ўн) кун ўтганидан сўнг мазкур Оферта бекор қилинган ҳисобланади.

Оммавий оферта бекор қилинган кундан олдин берилган аризалар, ушбу шартномаларда назарда тутилган шартлар сақланган ҳолда 20 кун давомида ўз кучини йўқотмайди.

Мазкур оферта шартноманинг қуйидаги муҳим шартларини ўз ичига олади:

“InFinBank” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда онлайн тарзда кредит бериш тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 367-моддаси ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ тузилади ва жисмоний шахс ушбу Шартномада кўзда тутилган ва жисмоний шахс томонидан ушбу офертанинг барча шартларини Мазкур шартноманинг қуйида баён этилган шартларига нисбатан бирон бир истисно ва чекловларсиз сўзсиз қабул қилинишини англатадиган ҳаракатларни амалга оширган яний оферта билан танишиб чикиб “тасдиқлаш” тугмаси бослигидан пайтдан бошлаб кучга киради.

1. ШАРТЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу шартномага мувофиқ қуйида келтирилган атамалар ва тушунчалар қуйидаги маъноларда ишлатилади:

“InFinBank” мобил иловаси - Масофадан онлайн тартибда Банк операцияларини амалга ошириш, шахсий ҳисобварагни назорат қилиш ва бошқариш, исталган жойда нақд пул ишлатмасдан ҳисоб рақамлар ва карталарда мавжуд бўлган пул маблағларини тасарруф этишга имкон берувчи Банк иловаси ҳисобланади.

MCC (Merchant Category Code) код – Банк карталари орқали операциялар амалга оширилганда савдо-хизмат кўрсатиш шахобчасининг фаолият турини англатувчи тўрт хонали код.

MCC 6010 – Молиявий муассасаларда POS-терминал орқали нақд пул ечиш.

MCC 6011 – Молиявий муассасаларнинг банкоматларидан нақд пул ечиш.

MCC 6012 – Молиявий муассасалар. Ушбу код молиявий муассасалардан маҳсулот ёки хизматларни сотиб олишни белгилайди. Бундай маҳсулот ва хизматлар чеклар ва бошқа



молиявий маҳсулотлар, реклама товарлари, кредит тўловлари ва молиявий маслаҳат хизматлари учун тўловларни ўз ичига олади.

МСС 6051 – йўл чеклари, чет эл валютасини сотиб олиш, электрон ҳамёнлар ва савдо ҳисобларини тўлдириш ва молиявий хизматлар билан шуғулланмайдиган компаниялардан пул ўтказмаларига ўхшаш бошқа операциялар.

Автоматик сўндириш - Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг барча карталари, кредит картаси, шахсий депозит ҳисоб рақамидан қарзни сўндириш мақсадида автоматик тарзда пул маблағларини ечиб олиш жараёнидир. Автоматик сўндириш жараёни Банкда белгиланган вақтлар оралиғида ҳар куни бир неча марта амалга оширилади. Муддати ўтган тўловларни сўндириш учун етарли миқдорда маблағи бўлмаган тақдирда карта ҳисобини/ҳисоб рақамни етарли маблағлар билан тўлдириш талаб қилинади.

Автоматик сўндириш картаси - Кредитни сўндириш мақсадида пул маблағларини автоматик равишда ечиб оладиган Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг “InFinBank” АЖ ва бошқа банкларда мавжуд бўлган барча турдаги карталари.

БАНК- “InFinBank”АЖ, Амалиёт бошқармаси, унинг филиаллари, Банк хизматлари марказлари.

Индивидуал кредит шартлари - Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг таҳлили ва скоринг баҳосидан келиб чиқиб кредит бўйича йиллик фоиз устамаси, кредит миқдори, шунингдек кредитнинг бошқа шартлари.

Кредит - Мазкур Шартномага мувофиқ Банк томонидан Қарздор – “InFinBlack” кредит картаси эгасига қайта янгиланадиган лимит доирасида фойдаланиш мақсадида тақдим этилган қарз маблағлари.

Кредит картаси - Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг кредит лимити доирасида тўлов операцияларини амалга ошириши учун мўлжалланган “InFinBlack” банк картаси.

Кредит лимити - Қарз олувчи (Карта эгаси) фойдаланиши учун Банк томонидан тақдим этилган, қайта тикланадиган кредитнинг максимал миқдори.

Кредит таъминоти - Кредитни қайтармаслик хатаридан суғурталаш.

Кредитдан фоизсиз фойдаланиш даври - Кредит учун ҳисобланган фоизларни тўламасликка имкон бериладиган давр.

Минимал тўлов - Ҳар ойнинг биринчи санасида Қарз олувчи (Карта эгаси)га тўлов учун қўйиладиган ўтган ойнинг охирги санасидаги кредит асосий қарз қолдигининг 5% миқдоридаги ва ҳисобланган муддатли фоизларни ўз ичига олган тўлов.

Мажбурий тўлов - Тўланиши мажбурий бўлган тўлов миқдори. Ушбу тўлов ўз ичига қуйидагиларни олади:

- минимал тўлов миқдори;
- муддати ўтган кредит асосий қарзи миқдори;
- муддати ўтган фоиз миқдори;
- муддати ўтган кредит қолдигига нисбатан ҳисобланган фоизлар миқдори.



Суғурталовчи - тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва кредит қайтарилимаган тақдирда суғурта шартномасига мувофиқ суғурта бадалини (суғурта суммасини) тўлаш мажбуриятини қабул қилган тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.

Техник овердрафт (кредит лимитидан ортиқча бўлган қарздорлик) - Қарз оловучи (Карта эгаси) томонидан товарлар/хизматлар учун тўлов миқдори талабнома шаклида кўйилганда талабнома миқдорининг кредит лимитидан ошган миқдори.

Тарифлар - Мазкур оферта матнида тўхталиб ўтилмаган, 1-иловада кўрсатилган тарифлар.

Қарз оловучи (Карта эгаси)нинг шахсий маълумотлари - Қарз оловучи (Карта эгаси)га оид бўлган ёки уни аниқлашга имкон берадиган электрон, қоғоз ва (ёки) бошқа моддий ахборот воситаларида қайд этилган маълумотлар.

Қарз оловучи (Карта эгаси)нинг шахсий маълумотларини қайта ишлаш - Қарз оловучи (Карта эгаси)нинг шахсий маълумотларини йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, фойдаланиш, тақдим этиш, тарқатиш, ўtkазиш, шахксизлаштириш ва йўқ қилиш бўйича бир ёки бир қатор тадбирларни амалга ошириш.

Қарз оловучи (Карта эгаси) - Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қиласиган, даромадга эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний шахслар.

2. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

2.1. Мазкур Шартнома Тарафлар ўртасидаги Банк томонидан Қарз оловучи (Карта эгаси)га кредит картасини тақдим этиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2.2. Мазкур шартнома бўйича кредит лимити индивидуал кредит шартлари билан белгиланади.

2.3. Банк ўз хоҳишига мувофиқ қўйидаги ҳолларда кредит лимитини ўзгартириши мумкин:

2.3.1. Агар Қарз оловучи (Карта эгаси) кредит лимитидан фойдаланиш даврида охирги 90 (тўқсон) календар кун ичida кредит лимитидан фойдаланмаса (Банк томонидан фақат абонент ва комиссия тўловлари ечиш билан боғлиқ бўлган операциялар картадан фойдаланиш ҳисобланмайди), унда кредит лимити 0 (ноль) га айлантирилиши мумкин;

2.3.2. Агар Қарз оловучи (Карта эгаси) кредит лимитидан фойдаланиш даврида охирги 90 (тўқсон) календар кун ичida, ўртacha ойлик ҳисобланганда, кредит лимитидан белгиланган лимитнинг 50 фоизи ёки ундан кам миқдорида фойдаланган бўлса, кредит лимити 90 (тўқсон) календар кун давомида фойдаланилган ўртacha ойлик лимит миқдоригача камайтирилиши мумкин.

2.3.3. Банк томонидан Қарз оловучи (Карта эгаси) даврий равища қайта текширилиши натижасига асосан кредит лимити оширилиши мумкин. Кредит лимитини оширгандан сўнг, Банк Қарз оловчини (Карта эгасини) белгиланган тартибда янги кредит лимити тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини олади.

2.4. Банк томонидан тақдим этиладиган кредит бўйича фоизлар Қарз оловучи (Карта эгаси)нинг ссуда қарздорлиги мавжуд қолдигига нисбатан индивидуал кредит шартлари билан белгиланадиган миқдорда ҳисобланади.

2.5. Қарз олувчи (Карта эгаси)га ажратилиши мумкин бўлган кредитнинг максимал миқдори 50 000 000,00 (Эллик миллион) сўмни ташкил этади.

2.6. Кредит бўйича фоиз устамасининг миқдори Мижознинг скоринг баҳосига асосан йилига 25,55% дан 54,75% гача белгиланади. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар Қарздорнинг кредит картасидан чиқим қилинган (ишлатилган) кундан бошлаб ҳисобланади. Фоиз устамасининг тури — қатъий ўрнатилган.

2.7. Ойлик ишлатилган маблағлар кейинги ойнинг 20-санасигача тўлиқ сўндирилган тақдирда дастлабки ойда ҳисобланган фоизлар учун кредитдан фоизсиз фойдаланиш даври тақдим этилади. Яъни, ўтган ойда ҳисобланган фоиз тўловлари 0 (нол) га айлантирилади.

Кредитдан фоизсиз фойдаланиш даври савдо ва хизмат қўрсатиш тармоғидаги тўловлар, интернет орқали тўловлар ва мобил илова орқали амалга оширилган тўловлар учун тақдим этилади.

Кўйидаги операциялар амалга оширилганда кредитдан фоизсиз фойдаланиш даври тақдим этилмайди:

- Картадан картага пул ўтказиш;
- Банкомат ва Банк кассаларидан нақд пул ечиш;
- Мобил илова орқали конвертацияни амалга ошириш ва валюта айирбошлиш шахбочларидан чет эл валютаси сотиб олиш;
- Мобил илова орқали электрон ҳамённи тўлдириш;
- Мобил илова орқали омонат ҳисобварақни тўлдириш;
- Мобил илова орқали VISA direct хизмати орқали пул ўтказиш;
- Мобил илова орқали кредитларни сўндириш;
- Мобил илова орқали реквизит бўйича тўловни амалга ошириш;
- Банк орқали товар ва хизматлар учун ўтказма ва тўловларни амалга ошириш;
- Шунингдек, MCC кодлари доирасида MCC 6010, MCC 6011, MCC 6012, MCC 6051 кодлар бўйича амалга оширилган ҳар қандай транзакцияларда.

Ушбу кредит маҳсулоти тури бўйича фоизсиз фойдаланиш даврини тақдим этиш тўхтатилган тақдирда бу ҳақида Қарз олувчи (Карта эгаси)га Банкнинг расмий веб сайти ёки мобил илова орқали тўхтатилишидан 30 (ўттиз) кун илгари маълум қилиниши шарт. Қарз олувчи (Карта эгаси) ушбу офертани тасдиқлаш орқали ушбу шартга рози эканлигини тасдиқлайди.

2.8. Минимал тўлов Қарз олувчи (Карта эгаси)га ойнинг 1-санасида тўлов учун қўйилади ва ойнинг 20-санасига қадар ихтиёрий тўлаш имконияти берилади. Ойнинг 20-санасига қадар сўндирилмаган минимал тўлов миқдори муддати ўтган ҳисобланади.

2.9. Кредит карта лимитидан фойдаланиш даври 60 (олтмиш) ойни ташкил қиласди.

2.10. Кредит таъминоти сифатида кредит қайтмаслик хатари суғурталанади.

2.11. Кредитлаш янги кредит картасини очиш орқали амалга оширилади. Кредит картани қабул қилаётганида, Қарз олувчи (Карта эгаси) ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг асл нусхасини тақдим этиши лозим.

2.12. Кредит картасининг амал қилиш муддати картанинг олд қисмида қўрсатилган. Банк Қарз олувчи (Карта эгаси) учун 62 (Олтмиш икки) ой давомида амал қиласиган Кредит картасини чиқаради.

2.13. Қарз олувчи (Карта эгаси) Кредит картасидан фойдаланган ҳолда Банк томонидан мазкур Шартнома доирасида тақдим этиладиган қуйидаги турдаги операцияларни амалга ошириши мумкин:

- товар ва хизматлар учун савдо терминали орқали тўловларни амалга ошириш;
- мобил илова орқали товар хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
- интернет орқали тўловларни амалга ошириш;
- банкомат ва кассалардан нақд пул ечиш;
- картадан картага пул ўтказиш;
- мобил илова орқали конвертацияни амалга ошириш;
- мобил илова орқали электрон ҳамённи тўлдириш;
- мобил илова орқали омонат ҳисобварақни тўлдириш;
- мобил илова орқали VISA direct хизматидан фойдаланиш;
- мобил илова орқали кредитларни сўндириш;
- реквизит бўйича тўловни амалга ошириш.

2.13.1. Қарз олувчи (Карта эгаси) онлайн кредит карта расмийлаштиргандан сўнг 48 (кирқ саккиз) соат мобайнида қуйидаги ҳолларда мобил илова орқали ва онлайн тўлов ва ўтказмаларни амалга ошириш чекланади:

- Мобил илова орқали биринчи марта рўйхатдан ўтган янги фойдаланувчилар учун;
- Мавжуд аккаунтга бошқа қурилмалар орқали кирилган ҳолда онлайн кредитга биринчи марта ариза берилганда.

Ушбу чекловни ечиш учун Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкка қўнғироқ қилиб, қўшимча тасдиқдан ўтиши ёки Банкка ташриф буюрган ҳолда кредит картасини шахсан олиши талаб этилади.

2.14. Картадан операцияларни амалга оширганда Банк амалдаги Банк тарифларига мувофиқ Қарз олувчи (Карта эгаси)дан комиссия тўловларини ундиради. Комиссион тўловлар бўйича тарифлар Банк томонидан келажакда ўзгартирилган тақдирда ўзгарган тарифлардаги комиссиялар амал қиласди.

2.15. Қарз олувчи (Карта эгаси) ушбу билан Банк тегишли маълумотларни Банк веб-сайтида камида 10 (үн) календар куни олдин жойлаштириш орқали Қарз олувчи (Карта эгаси)ни аввалдан хабардор қилган ҳолда қуйидагиларни ўз ихтиёрига кўра ўзгартириши мумкинлигига розилик билдиради, жумладан:

- Банк Тарифларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш: Банкка комиссия тўлаш ва Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тўловларни амалга ошириш миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириш;
- Ушбу офертага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

2.16. Мазкур шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар сўмда амалга оширилади.

2.17. Кредит картадаги пул маблағларидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тақиқланмаган мақсадларда фойдаланиш мумкин.

2.18. Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкка ташриф буюриш орқали ёки куръерлик хизмати орқали кредит картани олгандан сўнг кредит карта активлаштирилади.

3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Банк томонидан Қарз олувчи (Карта эгаси)га қайтариб беришилик, фоиз тўлашшлилик, таъминланганлик ва муддатлилик тамойилларига амал қилган ҳолда кредит карта чиқариш орқали қайта тикланадиган кредит линияси тақдим этилади.

3.2. Кредит лимити кредит линиясидан фойдаланиш даврининг 51-ойидан бошлаб 10 ой давомида ҳар ойда 10% (ўн) фоиздан камайтирилиб тўлиқ сўндирилади.

3.3. Ўз вақтида тўламаганлик ёки тўловни минимал тўлов суммасидан кам миқдорда амалга оширганлик учун, кредитни қайтаришни кечиктирганлик учун муддати ўтган қарзниг кунлик 0,25% фоизи миқдорида, лекин асосий қарзниг 50% фоизидан дан кўп бўлмаган миқдорда фоиз тўловлари хисобланади.

3.4. Кредит лимитини сўндириш учун тўловлар мазкур шартнома тузилган кундан бошлаб қуидаги тартибда амалга оширилади:

- Минимал тўловни сўндириш – минимал тўлов ҳар ойнинг 1-санасида тўлов учун қўйилади. Ҳар ойнинг 1-санасидан 20-санасига қадар ихтиёрий сўндириш амалга оширилиши имконияти мавжуд бўлади. Ойнинг 1-20 саналарда Мижоз томонидан ихтиёрий тўлов амалга оширилмаган тақдирда 20-санада автоматик тартибда сўндириш орқали ундирилади. Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг ҳисобларида пул маблағлари мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу тўлов муддати ўтган кредитлар ҳисобварагига ўтказилиди ва кредит картаси блокланади ва шу кундан этиборан токи тўлиқ сўндирилгунга қадар бир кунда бир неча марта автоматик равишда сўндириш амалга оширилиб борилади;
- Минимал тўлов 90 (тўқсон) календар кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган тақдирда, кредит карта тўлиқ муддатга, яъни кредит карта амал қилишининг охирги муддатига қадар блокланади ва кредит карта бўйича факат кредитни сўндириш учун картани тўлдириш амалиётини амалга ошириш мумкин бўлади.

3.5. Қарз олувчи (Карта эгаси) қуидагиларни тан олади ва розилик беради:

- Суѓурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар бўлган Қарз олувчи (Карта эгаси)га нисбатан Банкнинг талаб қилиш ҳуқуқи тўланган миқдор доирасида суѓурта товонини тўлаган Суѓурталовчига ўтади;
- Банк Суѓурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни топшириши ва Суѓурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча маълумотлардан хабардор қилиши шарт.

3.6. Кредит карта орқали амалга оширилган тўловлар бўйича тўлов рад этилган тақдирда, картага қайтган пул маблағлари картани тўлдириш жараёни каби акс этади. Тўлов амалга оширилган санадан бошлаб то тўлов рад этилган санага қадар рад этилган маблағлар бўйича хисобланган фоиз тўловлари қайта хисобланмайди.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Банк қуидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

4.1.1. Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг кредитга лаёқатлилиги таҳлил қилишнинг барча тегишли босқичлари муваффақиятли ўтказилган тақдирда, Қарз олувчи (Карта эгаси)га мазкур шартнома тузилган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни ичидаги индивидуал кредит шартларига асосан белгиланган миқдорда кредит картага кредит лимитини тақдим этиш.

4.1.2. Кредит бўйича маблағларни ҳисобга олиш учун ссуда ҳисобварағини, шунингдек кредит лимитига хизмат кўрсатиш учун барча керакли, тегишли ҳисобварақларни очиш.

4.2. Банк қуидаги хуқуқларга эга:

4.2.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг молиявий аҳволини ўрганиш ва Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш;

4.2.2. Ундирувни Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг бошқа мулкига қаратиш;

4.2.3. Банк қуидаги ҳолларда суд тартибида мазкур шартномани бекор қилиш ва Қарз олувчи (Карта эгаси)дан ссуда қарздорлигини муддатидан олдин сўндиришни ва ҳисобланган фоизларни тўлашни талаб қилиш хуқуқига эга:

a) Қарз олувчи (Карта эгаси) асосий қарзни ва ҳисобланган фоизларни тўлаш муддатини икки ёки ундан ортиқ марта бузса ёки мазкур Шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармаса;

b) мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг молиявий ва мулкий аҳволи сезиларли даражада ёмонлашса;

c) Қарз олувчи (Карта эгаси) кредит олиш учун Банкка кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича ёлғон ёки тўлиқ бўлмаган маълумотни тақдим этган бўлса;

d) мазкур Шартнома ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳолларда;

e) Қарз олувчи (Карта эгаси) ушбу шартноманинг 4.2.1-баннда кўрсатилган банк назоратидан қочган тақдирда ва/ёки Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва тижорат банкларида оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиб бўйича ички назорат қоидалари талабларига мувофиқ шубҳали ва/ёки гумонли операциялар амалга оширилганда Қарз олувчини (Карта эгасини) тегишли текширувдан ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда.

4.2.4. Қарз олувчи (карта эгаси) ёки унинг операцияси санкция таъсир доирасига тушганда ёки тушиш хавфи мавжуд бўлганда, Банк операцияни ўрганиш мақсадида кўшимча маълумотларни сўраш, операция миқдорини чегаралаш, операцияларни Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг анкетасидаги профилига номувофиқ бўлган ҳолларда хизмат кўрсатишни рад этиш ва ушбу шартномани бир тамонлама бекор килиш хуқуқига эга.

4.2.5. Банкка мазкур Шартнома бўйича ўз талабларини қондириш учун зарур бўлган, картхисоб(лар)да ҳисобга олинадиган Қарз олувчи(Карта эгаси) нинг барча банклардаги ҳамма ҳисобларидан акцептиз ва тортишувга ўрин қолдирмайдиган тартибида пул маблағларини ечиб олиш. Қарз олувчи (Карта эгаси) эса ушбу билан Банкка ечиб олиш хуқукини беради ва келгусида ҳеч қандай эътиrozларга эга бўлмайди. Шу муносабат билан Қарз олувчи (Карта эгаси) Қарз олувчи (Карта эгаси) нинг Ўзбекистон Республикасининг

исталган банкларида очилган барча ҳисобварақлари ва банк карталаридан Банкка тўланиши лозим бўлган суммаларни Банк томонидан автоматик сўндиришга розилик беради, автоматик сўндирилишига Банкка топшириқ ва ваколат беради. Автоматик сўндириш хизмати Қарз оловчи (Карта эгаси) кредит олган пайтдан бошлаб Банк томонидан фаоллаштирилади, Қарз оловчи (Карта эгаси) эса Банкдан ушбу хизматни ихтиёрий равишда олишига розилик билдиради ва тасдиқлайди.

4.3. Қарз оловчи (Карта эгаси) қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

4.3.1. Кредитни, шунингдек у бўйича ҳисобланадиган фоизларни мазкур Шартномада кўзда тутилган муддатларда қуйидаги усуллардан фойдаланиб қайтариш:

- кредитни сўндириш ҳисобварағига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларни ўтказиш;
- кредит картада керакли миқдордаги пул маблағининг мавжудлигини таъминлаш;
- Банк кассалари орқали нақд пул ўтказиш.

4.3.2. Кредитдан фойдаланганлик учун Банкка мазкур Шартномада ва Банкнинг амалдаги тарифларида назарда тутилган миқдорда фоизлар ва воситачилик тўловларини тўлаш;

4.3.3. Зарурат туғилганда Банкнинг сўровига биноан, Қарз оловчи (Карта эгаси)нинг молиявий ва мулкий ҳолатини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатни Банкдан тегишли сўров олинган вақтдан бошлаб 3 иш куни ичida Банкка тақдим этиш;

4.3.4. Фамилияси, исм-шарифи, яшаш жойи, иш жойи, телефон рақамлари ўзгарган тақдирда, бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни ичida Банкка ушбу ўзгаришлар ҳақида ёзма равишда хат ёки электрон ахборот тизимлари орқали хабар бериш;

4.4. Қарз оловчининг ҳуқуқлари:

4.4.1. Кредит бўйича қарздорликни муддатидан олдин тўлиқ миқдорда ёки қисман сўндириш;

4.4.2. Қарз оловчи (Карта эгаси) мазкур Шартнома тузилгандан сўнг ва Қарз оловчи (Карта эгаси) мазкур шартнома бўйича кредит олгунига қадар бепул асосда кредит олишдан бош тортиш ҳуқукига эга, шунингдек қарзни муддатидан олдин исталган вактда, ҳеч қандай жарима тўламасдан сўндириш ҳуқукига эга.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Қарз оловчи (Карта эгаси) кредитни ва у бўйича фоизларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш, шунингдек қарзни ундириш бўйича суд харажатларини ва Банкнинг Қарз оловчи (Карта эгаси) ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки керакли тартибда бажармаслиги оқибатида кўрган бошқа заарларини қоплаш учун Банк олдида ўзининг барча мол-мулки билан жавоб беради.

5.2. Қарз оловчи (Карта эгаси)нинг кредит асосий қарзи ва фоизларини қайтариш билан боғлиқ тўловлар бўйича жавобгарлиги, кредит картасига ПИН-код ўрнатиши билан юзага келади.

5.3. Банкнинг айби билан кредит тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда, Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)га базавий ҳисоблаш миқдорининг 50% миқдорида жарима тўлайди.

6. МАХФИЙЛИК.

6.1. Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг шахсий ва даромадларига оид маълумотлари, унинг кредит тарихига оид маълумотлари, кредит картаси айланмалари тўғрисидаги маълумотларни шунингдек, кредитлаш жараёнида Банкка маълум бўлиб қолган Қарз олувчи (Карта эгаси) тўғрисидаги бошқа барча маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмайди ва сир тутилишини кафолатлайди.

6.2. Қарз олувчи (Карта эгаси) ҳақидаги, у томонидан Кредит картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, судга, суд ижрочиларига, Кредит бюроларига, шунингдек бошқа ваколатли органларга факат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тақдим этилиши мумкин.

7. НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафларнинг мазкур Шартномани бажариши жараёнида юзага келадиган барча низоли ҳолатлар Тарафлар томонидан ўзаро мақбул ечимни ишлаб чиқиши мақсадида олдиндан кўриб чиқилиши керак.

7.2. Ушбу шартнома бўйича ҳамда у билан боғлиқ ҳолда келиб чиқиши мумкин бўлган барча низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда Банк (агар кредит Банк филиали томонидан берилган бўлса, Банк филиали) жойлашган манзил бўйича судда ёки Банк ихтиёрига кўра ҳакамлик судида ҳал этилади.

7.3. Қарз олувчи (Карта эгаси) тўлов қобилиятини йўқотиб, жорий қарздорлик суғурта компанияси томонидан қопланган тақдирда кредитни ўндириш ҳуқуқи регресс тартибда суғурта компанияси томонидан амалга оширилади.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Тарафлар мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бу бажарилмаслик ёки қисман бажарилмаслик Шартнома тузилгандан кейин юзага келган, Тарафлар мавжуд чоралардан фойдаланиб олдини олишининг имкони бўлмаган, бартараф этиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари натижасида юзага келган бўлса жавобгарликдан озод қилинадилар.

8.2. Бартараф этиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқлангандағина форс-мажор ҳолатлари деб ҳисобланади.

8.3. Агар мазкур ҳолатлар уч ойдан кўпроқ давом этса, ҳар бир тараф Шартномани бекор қилиши мумкин. Бундай ҳолда, Шартнома бажарилмаган қисмида бекор қилинади ва Тарафлар бажарилган ва бажарилмаган қисмлар бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ



9.1. Шартнома Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

9.2. Шартнома кредит карта бўйича кредитлаш даврида амал қиласди ва кредит у бўйича фоизлар тўлиқ сўндирилганидан сўнг бекор қилинади.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур Шартномада белгиланмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

10.2. Шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига мувофик, Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкнинг ўз фаолиятини олиб бориши, Банкнинг мазкур Шартнома шартларини бажариши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадлар учун Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг ҳар қандай шахсий маълумотларини Банк томонидан қайта ишланиши ва фойдаланилиши учун Банкка муддасиз розилик беради. Шунингдек, Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкка мазкур Шартномани бажариш мақсадида ўз шахсий маълумотларини учинчи шахсларга беришига розилик беради.

10.3. Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкдан ушбу шартнома шартлари бажарилиши бўйича эслатмалар, Банк хизматларини тарғиб қилиш билан боғлик реклама материалларини барча алоқа воситаларидан жумладан, лекин шу билан чекланиб қолмасдан почта жўнатмалари, СМС жўнатмалари, овозли жўнатмалар, электрон почта жўнатмалари ва бошқалардан фойдаланган ҳолда, тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш орқали олишга розилик беради.

10.4. Ушбу шартнома бўйича хабарномалар, эътирозномалар Қарз олувчи (Карта эгаси)га шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари ва бошқа коммуникация каналлари орқали топширилиши мумкин.

10.5. Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан масофавий алоқа каналлари орқали амалга оширилган ҳар қандай тасдиқлар босма хужжатдаги ёзма имзо билан бир хил юридик аҳамиятга эга.

10.6. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг кредит тарихида мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади ва бу эса ўз навбатида келгусида Қарз олувчи (Карта эгаси) томонидан кредит ташкилотларидан кредит олиш имконияти пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Офертага 1-илова

№	Кўрсатиладиган хизматлар	Белгиланган тариф
1	Кредит картани чиқариш (дастлабки): ушбу комиссия Банк томонидан ўрнатилган кредит лимитидан ечилади	Бепул
2	Кредит картани қайта чиқариш	100 000 сўм
3	Кредит карта ҳисоб рақамига хизмат кўрсатганлик учун ойлик абонент тўлови	25 000 сўм
4	Кредит карта муддати	62 ой
5	Кредит картани блокка тушириш ва блокдан чиқариш	Бепул
6	3D Secure хизматини ёкиш	Бепул

7	SMS- хабарнома хизматини ёқиши	Бепул
8	Мобил илова орқали ҳисоб рақам кўчирмаларини тақдим этиши	Бепул
9	Талаб қилинган жойга тақдим этиши учун маълумотнома берилиши	30 000 сўм
10	Картани етказиб бериш хизмати	Бепул
11	Кредит карта ҳисоб рақамига хизмат кўрсатиш	Бепул
12	Транзаксиялар бўйича расмий арз қилиш	Юзага келган барча Банк харажатлари Мижоз томонидан қопланади
13	Ўзбекистон Республикаси худудида банкоматлардан нақд пул ёчиши	0,5% (минимум 5 000 сўм) + банкомат комиссияси
14	Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида банкоматлардан нақд пул ёчиши	2,0% (минимум 20 000 сўм) + банкомат комиссияси
15	“InFinBank” АЖ кассасидан нақд ёчиши	2,0% (минимум 5 000 сўм)
16	Ўзбекистон Республикаси худудида бошқа Банкларда Uzcard терминали орқали кассадан нақд ёчиши	0,5% (минимум 5 000 сўм) + касса терминали комиссияси
17	Ўзбекистон Республикаси худудида бошқа Банкларда HUMO терминали орқали кассадан нақд ёчиши	0,5% (минимум 5 000 сўм) + касса терминали комиссияси
18	Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида кассадан нақд ёчиши	2,0% (минимум 20 000 сўм) + касса терминали комиссияси
19	Мобил илова орқали реквизитларга тўловни амалга ошириши	1%
20	Мобил илова орқали ўз ҳисоб рақамига ёки электрон ҳамёнга пул ўтказиши	1%
21	Мобил илова орқали валюта сотиб олиши	1%
22	Visa Direct орқали ўтказмаларни “InFinBank”да мавжуд картага амалга ошириши	1% (минимум 20 000 сўм)
23	Visa Direct орқали ўтказмаларни бошқа банкларнинг карталарига амалга ошириши	1% (минимум 20 000 сўм)
24	Картадан Uzcard ва HUMO карталарга пул ўтказиши	1%
25	“InFinBank” АЖда очилган Visa картага пул ўтказиши	1%
26	“InFinBank” АЖ да терминал орқали бошқа қартага пул кўчириши	1%
27	“InFinBank” АЖ да терминал орқали электрон ҳамён ёки омонат ҳисоб рақамга пул кўчириши	1%
28	Товар ва хизматлар учун туловларни амалга ошириши	Бепул
29	Интернет орқали товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириши	Бепул
30	“InFinBank”да мавжуд кредитларни сўндириши	Бепул
31	Мобил илова орқали товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириши	Бепул
32	Кредит таъминоти учун суғуртага тўлов	Бепул
33	Жорий InFinBlack кредит картасини Мижознинг бошқа карталари ёки бошқа шахсларнинг картасидан ўтказма тарзида тўлдириш орқали кредитни сўндириши	Эмитент Банкнинг тарифига мувофиқ